



ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ТИЛЛАРИДАГИ ФОНЕТИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ (МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИ АСОСИДА)

*Қодирова Барно Ибрагимовна,
СамДУ ўқитувчиси*

Калит сўзлар: термин, қиёсий-типология, фонетика, нутқ товушлари, тил товушлари, унли ва ундош товуш, дыбыстар, жуан дауысты, жіңішке дауысты, ашық дауысты, қысаң дауысты, еріндік дауысты, езулік дауысты; Қатаң дауыссыз, ұяң дауыссыз, үнді дауыссыз.

Бугунги кунда тилларни қиёсий-типологик усулда тадқиқ этиш тилшунослик илмининг долзарб вазибаларидан хисобланади. Умуман, тилшуносликда қиёсий-типологик ва чоғиштирма тилшунослик асосчилари деганда кўпроқ рус ва европа тилшунос олимларининг номлари келтирилади. Ҳолбуки, ҳар иккала соҳанинг асосчилари бизнинг буюк ўтмишдошларимиз Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоийдир. Ҳозирги кунга қадар Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоийнинг лингвистик фаолияти ҳақида бир қанча қимматли материаллар тўпланган бўлса-да, биз ҳам уларнинг хизматларини мухтасар тарзда қайд этиб ўтишни лозим деб топдик.

Бизга маълумки, Маҳмуд Кошғарий XI асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё ва Ғарбий Хитой худудида истиқомат қилган туркий уруғ ва қабилалар тилларини қиёслаб ўрганган. Унинг узок вақтлар юртма-юрт кезиб, тўплаган материаллари ўша давр тилини ҳар томонлама ёритишга имконият яратди ва бу усул билан барча тил фактлари асосида пухта илмий хулосалар чиқаришга асос бўлди.

Алишер Навоий ўзининг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида қардош бўлмаган туркий-ўзбек ва форс-тожик тилларини қиёсий ўрганди. Бу ҳақида унинг ўзи шундай ёзади: “Туркий ва сорт луғати кайфияти ва ҳақиқати шарҳида бу рисола ни жамъ қилиб битидим ва анга “Муҳокамат ул-луғатайн” от қўйдим, то турк эли тили фасохату диққати ва

балоғату вусъати ... зоҳир қилдим”²⁹. Навоий ушбу тилларни қиёслаб экан, туркий-ўзбек тилининг хусусиятларини, луғавий бойликларини, тил имкониятларини далиллар асосида исботлаб бериб, тилшуносликнинг фонетика, лексикология, морфемика ва морфология бўлимларига оид қимматли маълумотлар қолдирди. Шу нуқтаи назардан, қардош тилларни қиёсий ўрганишга Маҳмуд Кошғарий, ноқардош тилларни ўрганишга Алишер Навоий асос солган деб айтиш мумкин.

Биз ҳам ушбу мақоламизда ўзбек тили фонетикасидаги терминларни қардош қозоқ тили билан қиёслашни лозим деб топдик. Қиёсий-типологик таққослашда мустақиллик йилларида ўзбек ва қозоқ тилларида чоп этилган мактаб дарсликлари тадқиқотнинг асоси бўлиб хизмат қилади³⁰. Зеро, қиёсланаётган бу тиллар келиб чиқишига кўра умумий асосга эга саналса-да, хусусий жиҳатига кўра умумий томонлари кўп ва ҳозиргача етарли даражада тадқиқ қилинган эмас.

Қиёсий-типологиянинг умумий ва ўзига хос вазибаларидан келиб чиққан ҳолда муаммонинг асосий жиҳати солиштирилаётган тиллар нисбатини

²⁹. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. -Т., 24-бет.

³⁰. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V., Jo'raboyeva Z. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinf uchun darslik. To'ldirilgan 4-nashri. -Т.; Ma'naviyat, 2015.

Байқабылов У., Нишанова Г., Темирбаева М. Қазы тили. Жалпы орта білім беретін мектептердін 5-сыныбына арналған оқулық. Т., О'zbekiston, 2015.



аниқлашдан иборат³¹. Қиёсланаётган мактаб дарсликлари таҳлилига кўра, “Она тили” дарсликларида фонетика бўлимига доир жами 36 та термин ишлатилган бўлса, “Қазақ тили” дарсликларида ҳам фонетикага оид 36 та термин келтирилган³².

Тилшунослик терминлари тизимида ўзбек ёки қозоқ тилларида бўлишидан қатъи назар синонимия ҳодисалари кузатилади. Масалан, *товуш* – ўзбек, *дыбыстар* – қозоқ. *Товуш* – изох: оғзаки нутқнинг энг кичик, бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган қисми нутқ товуши дейилади³³. *Дыбыстар* – изох: тил дыбыстары сөйлеу мүшелері арқылы жасалады. Адамның тілі – дыбыстық тіл³⁴. *Ҳарф* – ўзбек, *әріп* – қозоқ. *Ҳарф* – изох: товушларнинг ёзувдаги ифодаси (“Она тили” 5-sinf. В. 121.). *Әріп* – изох: дыбыстың жазудағы таңбасы (“Қазақ тілі” 5-сыныб. – Б. 134.). *Унли товуш* – ўзбек, *дауысты дыбыстар* – қозоқ. *Унли товуш* – изох: ўпқадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсикқа учрамай чиқиши натижасида ҳосил бўлади (“Она тили” 5-sinf. – В. 122.). *Дауысты дыбыстар* – изох: айтылу кезінде ауаның кедергіге ұшырамай шығуынан жасалған дыбыстар (“Қазақ тілі” 5-сыныб. – Б. 135.).

Она тили дарслигида фонетикага оид терминлар “Фонетика” бўлимига таъриф бериш билан бошланган: “*Оғзаки нутқнинг товуш тизимини ўрганадиган тилшунослик бўлими фонетика дейилади*”

³¹ Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – Москва: Просвещение, 1989, – С. 6.

³² Бу ҳақда қаранг: Фонетикага оид терминлар 5-синф “Она тили” дарслиги ва 5-синф “Қазақ тили” дарсликларида берилган.

³³ Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V., Jo‘raboyeva Z. *Ona tili. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinf uchun darslik. To‘ldirilgan 4-nashri.* – Toshkent: Ma’naviyat, 2015. – В. 121. Кейинги ўринларда “Она тили” 5- sinf тарзида қўллаймиз.

³⁴ Байқабылов У., Нишанова Г., Темирбаева М. Қазаы тілі. Жалпы орта білім беретін мектептердін 5-сыныбына арналған оқулық. – Ташкент: O‘zbekiston, 2015. – Б. 131. Кейинги ўринларда “Қазақ тілі” 5-сыныб тарзида қўллаймиз.

(“Она тили” 5-sinf. В. 119.). Сўнг *оғзаки* ва *ёзма нутқ*, *нутқ товуши* ва *ҳарфларнинг таърифи*, *фарқли хусусиятлари*, *маъно фарқлаш* вазифаси ва *ҳарфий бирикманинг ҳосил бўлиши* ҳамда *унли* ва *ундош товушлар* каби терминлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Унда фақат унли товушларнинг таърифи, ундош товушларнинг эса таърифи ва турли хусусиятларига кўра турлари, масалан, қайси нутқ аъзоси иштирок этишига кўра *лаб товушлари: лаб-лаб (б, п, м) ва лаб-тиши товушлари (в, ф); Тил товушлари: тил олди (т, л, с, з, д, ш, ч, ж, дж, н, р), тил ўрта (й), тил орқа (г, к, нг), чуқур тил орқа товушлари (қ, г, х); Бўғиз товуши (ҳ); Бурун товушлари (м, н, нг)* ҳамда товуш пайчасининг ҳаракати ва ҳолати натижасида ҳосил бўладиган шовқин ва овоз иштирокига кўра *жарангли ундошлар (б, в, з, г, д, ж, г, дж, й, л, м, н, нг, р), жарангсиз ундошлар (п, ф, с, к, т, ч, х, ш, ҳ, қ)* каби терминлар баён этилган.

Ундошларнинг ҳосил бўлиш усулига кўра яна бир тури *портловчи, сирғалувчи* ва *портловчи-сирғалувчи ундошлар* термини дарсликнинг 133-дарси “*Ж, ж ҳарфи ва ж, дж товушлари*”, шунингдек, 137-дарси “*Ш, ш ва Ч, ч ҳарфлар бирикмалари ҳамда уларнинг вазифалари*” мавзуларида *ж, дж, ш, ч* товушларига берилган таърифларда тилга олинган: “*Ж, ж ҳарфи жўжа, жажжи* каби сўзларда *тил олди, портловчи, жарангли товушни* ифодалайди. *Журнал, жирафа* каби сўзларда эса *тил олди, сирғалувчи, жарангли товушни* ифодалаш учун қўлланилади” (“Она тили” 5-sinf. В. 147), “*Ш, ш ҳарфлар бирикмаси битта тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундошни* ифодалайди; *Ч, ч ҳарфлар бирикмаси битта тил олди, портловчи, жарангсиз ундошни* ифодалайди” (“Она тили” 5-sinf. В. 151.) тарзида ифодаланган. Бўлимнинг сўнгида *бўгин* ва унинг турлари (*очиқ ва ёпиқ бўгин*), *урғу* ва унинг турлари (*сўз урғуси ва гап урғуси*), *товушларнинг орттирилиши* ва *тушиб қолиши* ҳақида маълумотлар келтирилган.

“Қазақ тілі” дарслигида эса *фонетикага* тил товушларининг



тузилишини ҳамда тил товушларининг ясаилиши, айтилиши, эшитилиши ва бўғин, урғу уйғунлашиш масалаларини ўрганувчи бўлим сифатида таъриф берилган (“Қазақ тілі” 5-сыныб. – Б. 131.). Сўнг *тил товушлари* ҳақида маълумот келтирилган: “Тил дыбыстары сөйлеу мүшелері арқылы жасалады. Сөйлеу мүшелеріне өкпе, дауыс шымылдығы, ауыз қуысы, мұрын қуысы, тандай, тіл, ерін жатады. Әр дыбыстың жасалуына сөйлеу мүшелерінің қатысы да әр түрлі. Соған орай тілдегі дыбыстар да әр түрлі болады” (“Қазақ тілі” 5-сыныб. – Б. 131.).

Ушбу дасрликда тил товушларининг уч хил, яъни *сапалық сипаты, сандық сипаты, орын тәртібінде* хусусиятлари ифода этилган. Шунингдек, *унли* ва *ундош товушлар* ҳамда уларнинг турлари: *Жуан дауысты, жіңішке дауысты, ашық дауысты, қысаң дауысты, еріндік дауысты, езулік дауысты; Қатаң дауыссыз, ұяң дауыссыз, үнді дауыссыз* каби терминлар изоҳланган. *Қосарлы дауыссыз, айыру (ь) белгісі, жіңішкелік (ь) белгісі, буын, ашық буын, тұйық буын, бітеу буын, екпін, сөз екпін, ой екпін, тіркес екпін, дыбыс екпін, үндестік заңы, буын үндестігі, дыбыс үндестігі, ілгерінді ықпал, кейинги ықпал* сингари терминлар ҳақида маълумотлар берилган.

Ҳар иккала мактаб дарслигидаги фонетик терминлар қиёсланганда қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар аниқланди:

Инсонлар томонидан талаффуз қилинадиган барча товушлар ўзбек тилида *нутқ товушлари*, қозоқ тилида эса *тил товушлари* термини билан юритилади. Шунинг учун фонетика терминига берилган таърифларда ҳам айрим фарқлар мавжуд. Қиёсланг: оғзаки нутқнинг товуш тизимини ўрганадиган тилшунослик бўлими фонетика дейилади. “*Фонетика – тил дыбыстарының құрылымын зерттейтін сала*” (“Қазақ тілі” 5-сыныб. – Б. 131.).

Ўзбек тилида нутқ товушларининг муҳим хусусиятларидан бири *сўзларнинг маъноларини фарқлаш* (“Ona tili” 5-sinf. В. 131.) бўлса, қозоқ тилидаги тил

товушларининг *сапалық сипаты (тас, жас, қас), сандық сипаты (бала, ала, ал), орын тәртібінде (тас-сат, қас-сақ)* каби уч хусусияти кўрсатилган.

Ўзбек ва қозоқ тилларида унли товушларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари мавжуд. Дарсликлардаги унлилар таснифига оид терминларни қиёсласак, “Она тили” дарслигида унлилар таснифи берилмаган. “Қазақ тілі” дарслигида эса батафсил ёритилган. Лекин, ўзбек тилидаги бир қатор тилшуносликка оид адабиётлардаги унлилар таснифига асослансак³⁵, унли товушлар тилнинг горизонтал ҳолатига кўра *тил олди унлилари (и, э, а), тил орқа унлилари(у, ў, о)га* бўлиб ўрганилади. Қозоқ тилида ҳам унли товушлар тилнинг иштирокига кўра *жуан дауысты (а, о, ұ, ы, (у))* ва *жіңішке дауысты (ә, е, ү, і, ө, э, и, (у))* унлиларга бўлинади. Қозоқ тилидаги *жуан дауысты (йўгон унлилар)* ўзбек тилидаги *тил орқа унлиларига* ва *жіңішке дауысты (ингичка унлилар) тил олди унлиларига* тўғри келади. Қиёслаймиз:

*Тил орқа унлилари – ўзбек, жуан дауысты – қозоқ. Тил орқа унлилари – изоҳ: тил орқа қисмининг фаол иштирокида ҳосил бўладиган унлилар*³⁶. *Жуан дауысты – изоҳ: жуан дауыстыларды айтқанда, тілдің ұшы кейін қарай тартылады да үсті сәл көтеріледі. Осы себептен жуан дауыстылар кейді тіл арты дауыстылары деп те аталады* (“Қазақ тілі” 5-сыныб. – Б. 137.).

Тил олди унлилари – ўзбек, жіңішке дауысты – қозоқ. Тил олди унлилари –

³⁵ Бу ҳақда қаранг: Ҳозирги ўзбек адабий тили I қисм. Фонетика, лексикология, морфология. – Тошкент: Фан, 1966.; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили I қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Асқарова М., Абдурахмонов Х. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. – Тошкент: Фан, 1981; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.; Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2009.

³⁶ Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2009. – Б.106.



изоҳ: тил олди қисмининг фаол иштирокида ҳосил бўладиган унлилар. *Жіңішке дауысты* – изоҳ: жіңішке дауысты дыбыстарды айтқанда тил ұшы сәл ілгері қарай созылады да, үсті сәл төмендейді. Осы себептен жіңішке дауыстылар кейді тил алды дауыстылары деп те аталады (“Қазақ тілі” 5-сыныб. – Б. 137). Демак, турли терминлар билан айтылаётган бу сўзлар айнан бир тушунчани, яъни тилнинг кўтарилиш даражасини ифодалаш учун хизмат қилади.

Икки тилда ҳам унлилар лабларнинг иштирок этиш ёки этмаслигига кўра лабланган ва лабланмаган унлиларга бўлиб тасниф қилинади. Масалан, *лабланган унлилар* – ўзбек, *еріндік дауыстылар* – қозоқ. *Лабланган унлилар* – изоҳ: талаффузида асосан лаблар иштирок этиб, лабларнинг олдинга чўзилишидан ҳосил бўлади. *Еріндік дауыстылар* – изоҳ: еріндік дауыстыларды айтқанда, ерін сүйірленіп, ілгері қарай созылады (“Қазақ тілі” 5-сыныб. – Б. 140).

Лабланмаган унлилар – ўзбек, *езулик дауыстылар* – қозоқ. *Лабланмаган унлилар* – изоҳ: ҳосил бўлишида лабнинг ҳаракати иштирок этмайдиган унлилар. *Езулик дауыстылар* – изоҳ: езулик дауыстыларды айтқанда, езу тартылып, ерін кейін қарай жиырылады, яъни талаффузида лаблар бир-бирига қўшилмайди, ораси очиқ ҳолда бўлади, лаб орқага тортилади (“Қазақ тілі” 5-сыныб. – Б. 140.).

Туркий тилларда унлиларнинг энг муҳим фарқловчи белгиларидан бири кенглик ва торлик, яъни оғизнинг очилиш даражасига хос белгидир³⁷. Шу нуқтаи назардан ўзбек тилида унли товушлар оғизнинг очилиш даражасига кўра учта термин (*юқори тор унли: и, у, ўрта кенг унли: е, ў, қуйи кенг унли: а, о*³⁸) билан аталса, қозоқ тилида эса улар иккита термин (*ашық дауыстылар: а, ә, о, ө, э; қысаң дауыстылар: ы, і, и, ұ, ү, у*) билан

юрителиди. Бу ерда *ўрта кенг унлиси* деб юритилувчи терминнинг қозоқ тили дарслигида эквиваленти учрамайди.

Дарсликлардаги *ундош товушлар* ва *дауыссыз дыбыстар* терминлари мазмун-моҳияти билан бир маънони билдиради.

Қайси нутқ аъзоси иштирок этишига кўра ва пайдо бўлиш усулига кўра ҳосил бўладиган қуйидаги ўзбекча терминлар “Қазақ тілі” дарслигида учрамайди: *Лаб товушлари: лаб-лаб ва лаб-тиш товушлари; Тил товушлари: тил олди, тил ўрта, тил орқа, чуқур тил орқа ундош товушлари; Бўғиз товуши; Бурун товушлари; Портловчи, сирғалувчи ва портловчи-сирғалувчи ундошлар*. Ундошлар ўзбек тилида овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра *жарангли* (б, в, г, д, й, ж, дж, з, м, н, нг, л, р, э) ва *жарангсиз ундошлар* (п, к, т, ф, ч, с, ш, қ, х, җ), қозоқ тилида эса *қатаң (жарангсиз) дауыссыз* (п, ф, к, қ, т, с, ш, щ, х, ч, ц), *ўяң (жарангли) дауыссыз* (б, в, г, г, ж, з, д, һ), *үнді (сонор) дауыссыз* (р, л, м, н, нг, й, у) каби терминлар билан юритилади.

Ўзбек тилида сонор термини мавжуд, бироқ, ундошларнинг бошқа таснифида берилган, яъни ундош товушларнинг баъзисиди овоз кўп бўлса, баъзи ундошда шовқин кўп бўлади. Ана шу хусусиятига кўра ундошлар *сонор* (м, н, нг, л, р) ва *шовқинли* (б, в, г, д, й, ж, дж, з, к, п, с, т, ф, х, ч, ш, қ, җ, э) турларга бўлинади.

“Она тили” дарслигида бўғинлар иккита термин билан номланган: очиқ бўғин ва ёпиқ бўғин. Унли билан тугаган бўғин очиқ, ундош билан тугаган бўғин эса ёпиқ бўғин ҳисобланади. Масалан, *о-на, бо-ла* сўзларидаги ҳар икки бўғин очиқ, тош-лар сўзидаги ҳар икки бўғин ёпиқ бўғиндир.

“Қазақ тили” дарслигининг “буынның түрлері» қисмида таъкидланишича, унли ва ундошларнинг ўзаро алмашиб келишига кўра қозоқ тилида бўғинлар учта термин билан юритилади: *ашық буын*, (очиқ бўғин), *тұйық буын* (туйиқ бўғин), *бітеу буын* (битик бўғин). Биргина унлидан ва ундош товушдан бошланиб, унли товушга тугаган

³⁷. Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Леинград: Наука, 1970. - С.27.

³⁸. Миртожиев М. М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 62.



бўғин очик бўғин дейилади. М: *а-на, а-та*. Унли товушдан бошланиб, ундош товушга тугаган бўғин туйиқ бўғин дейилади. М: *ақ, өң, ат, із, ай*. Ундош товушдан бошланиб, ундош товушга тугаган бўғин битик бўғин дейилади. М: *жең, қол, моншақ*. Битик бўғин тўртта ҳарфдан ясашиши ҳам мумкин. Унда охириги икки ҳарф ундош бўлиб, унинг охиригиси қатанг ундош бўлиб, олдингиси унли ундош товушдан иборат бўлади. Масалан: *қант, бўлт, торт, сырт*. Кўринадики, қозоқ тили бўғинлари таснифида келтирилган “*тўйық буын*” термини англлатган маънони ифодаловчи эквивалент ўзбек тилида учрамайди. Шунингдек, урғу билан боғлиқ айрим терминларда ҳам фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Масалан, *урғу* – ўзбек, *екпін* – қозоқ. *Урғу* – изох: Сўз бўғинларидан ёки гапда иштирок этаётган сўзлардан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ талаффуз қилинишидир. *Екпін* - изох: Гапириб турган пайтда бир сўз бошқа сўзларга, бир бўғин бошқа бўғинларга, бир товуш бошқа товушларга нисбатан баланд овозда айтилишидир. Ўзбек тилида урғунинг икки тури (*сўз урғуси, гап урғуси* ёки *мантиқий урғу*), қозоқ тилида эса тўрт тури (*сөз екпini (сўз урғуси), ой екпini (мантиқий урғу), тиркес екпini (бирикма урғуси), дыбыс екпini (товуш урғуси)*) фарқланади. Кўриниб турибдики, қозоқ тилидаги *тиркес екпini, дыбыс екпini* термини ўзбек тилида мавжуд эмас.

Солиштирилаётган фонетик терминларнинг яна бир фарқли жиҳати шундаки, “Қазақ тили” дарслигида фонетик қонуният асосида юз берадиган ўзгаришлар ва уларни ифодаловчи терминлар ҳам келтирилган. Жумладан, *ўндестік заңы* - уйғунлашиш қонунияти мавзуси берилган бўлиб, унда *буын ўндестігі* (бўғин уйғунлашиши), *дыбыс ўндестігі* (товуш уйғунлашиши), *илгеринді ықпал* (илгари таъсир), *кейінді ықпал* (кейинги таъсир) терминлари мисоллар асосида ёритиб берилган. Тилдаги бу ходиса “Она тили” дарслигида махсус ёритилмаган. Лекин, Ҳ.Жамолхоновнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобига

асосланиб фонетик ходисаларни қиёсласак, қозоқ тилида асос билан кўшимчанинг ёки сўзларнинг орасидаги товушларнинг бир-бирига таъсир қилиб, ўзаро уйғунлашиши *ўндестік заңы* термини билан юритилади. Ўзбек тилида эса бир хил категориядаги товушларнинг (масалан, ундош билан ундошнинг) ўзаро мослашуви *ассимиляция* термини билан аталган. Бундай мослашувнинг қуйидаги турлари бор:

а) *прогрессив ассимиляция* — олдинги товушнинг кейинги товушни ўзига мослаштириши: *кетди>кетти* (тд>тт), *экган>эккан* (кг>кк) каби;

б) *регрессив ассимиляция*. Кейинги товушнинг олдинга товушни ўзига мослаштириши: *тузсиз>туссиз* (зс>сс), *бирта>битта* (рт>тт) каби;

в) *тўлиқ ассимиляция*. Бунда кучли ва кучсиз позициядаги товушлар бир-бирига айнан мослашади (улар ўртасида нейтраллашув содир бўлади): *новвой>новвой* (нв>вв), *терагга>терагга* (кг>кк) каби;

г) *тўлиқсиз ассимиляция*. Бунда кучли ва кучсиз позициядаги товушлар бир-бирига қисман мослашади: *танбур>тамбур*(нб>мб), *шанба>шамба* (нб>мб) каби. Бу сўзларда “н” (тил-тиш ундоши) лаб-лаб “б”га фақат артикуляция ўрни жиҳатдан мослашган (лаб-лаб “м” га ўтган), аммо, бошқа белгилари мослашмаган. Қиёс қилинг: “м”-сонор, “б”-шовкинли; “м”- юмуқ фокуси бурун товуши (назал товуш), “б”- соф портловчи каби;

д) *контакт ассимиляция* - кетма-кет жойлашган товушларнинг ўзаро мослашуви (қаранг: юқоридаги мисоллар);

е) *дистант ассимиляция* - сўз таркибида бир-бирдан узоқроқда жойлашган товушларнинг ўзаро мослашуви: *сич^он>чич^он, соч>чоч* каби.

Ўзбек тилида ўзак билан аффиксдаги унлилар ассимиляцияси ҳам учрайди. Ассимиляциянинг бу тури *сингармонизм* (унлилар уйғунлашуви) деб ҳам номланади. Бунда унлиларнинг уйғунлашуви *лаб гармонияси* ва *тил гармонияси* (лингвал гармония) шаклида



намоён бўлади. Масалан: *келди* – “э” (олд қатор), “и” (олд қатор). Бунда ўзак ва аффикслар таркибидаги ҳар иккала унли олд қатордир (тил гармонияси); *қолди* - “о” (орқа қатор), “и” (орқа қатор). Бунда аффиксдаги олд қатор “и” ўзакдаги орқа қатор “о”га мослашган - “и”нинг орқа қатор оттенкаси юзага келган (бу ҳам тил гармонияси ҳисобланади); лаб гармонияси кўпроқ шеваларда учрайди: *ўғлим* (адабий тилда) – улум (қипчоқ лаҳжаси шеваларида), *кўзим* (адабий тилда) - кўзум (көзум: қипчоқ лаҳжасида). Бунда ўзак ва кўшимчалардаги унлиларнинг лабланиш жиҳатдан мослашуви содир бўлади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ассимиляциянинг бу тури деярли учрамайди.

Қозоқ тилидаги *буын үндестігі* (бўғин уйғунлашиши)да сўзнинг асосидаги унли товуш кўшимчаларнинг йўғон ёки ингичка унли бўлишига асосланади. Демак, *буын үндестігі* терминини ўзбек тилига сингармонизм термини билан таржима қилиш мумкин.

Ундошлар бир-бирига таъсир қилиб, ўзаро уйғунлашиши *дыбыс үндестігі* дейилади ва бу ҳодисанинг икки тури сифатида *ілгерінді ықпал* (асос билан кўшимчанинг ёки сўзларнинг оралиғидаги товушларнинг олдингиси кейингисига таъсир қилиб, ўзига ўхшатиши), *кейінді ықпал* (асос билан кўшимчанинг ёки сўзларнинг оралиғидаги товушларнинг кейингиси олдингисига таъсир қилиб, ўзига ўхшатиши) терминлари ишлатилган. Кўришиб турибдики, қозоқ тилидаги ушбу терминлар ўзбек тилидаги *прогрессив ассимиляция* ва *регрессив ассимиляция* терминларига тўғри келади.

Хуллас, таҳлилга тортилган ҳар иккала дарслик ҳам умумий ўрта таълим мактабларининг бешинчи синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлса-да, уларда мавзуни қамраб олиш, лисоний ҳодисалар моҳиятини очиб бериш ва тушунтиришда ўхшаш томонлар қатори фарқли хусусиятлар ҳам мавжуд.

Адабиётлар

1. Ҳозирги ўзбек адабий тили I қисм. Фонетика, лексикология, морфология. – Тошкент: Фан, 1966.
2. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили I қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
3. Асқарова М., Абдурахмонов Х. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. – Тошкент: Фан, 1981.
4. Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Тошкент, Фан, 2009.
5. Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
6. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.
7. Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Леинград: Наука, 1970.
8. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Т.
9. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V., Jo‘raboieva Z. Ona tili. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. To‘ldirilgan 4-nashri. T.: Ma’naviyat, 2015.
10. Байқабылов У., Нишанова Г., Темирбаева М. Қазаы тілі. Жалпы орта білім беретін мектептердін 5-сыныбына арналған оқулық. Т., О‘zbekiston, 2015.
11. Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – Москва: Просвещение, 1989.

Кодирова Б. Сравнительный анализ фонетических терминов узбекского и каракалпакского языков. В данной статье исследуются фонетические термины узбекского и каракалпакского языков в сопоставительном аспекте на материале школьных учебников, опубликованных в годы независимости.



Kadirova B. Comparative analysis of the phonetic terms of the Uzbek and Kazakh languages. The present article investigates phonetic terms of the Uzbek and Karakalpak languages in comparative aspect on the material of school manuals, issued in the years of independence.